



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 31 октябрь, чоршанба №170 (1184)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 октябрь куни Оқсаройда АҚШ Куролли кучлари Марказий кўмондонлиги бош кўмондони Томми Франксни қабул қилди.

Учрашувда халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, жумладан, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлики ривожлантириш масаласи юзасидан фикр алмашди.

Суратда: қабул пайти.

А. ТҮРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Украинанинг Тошкентдаги элчихонасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Уни Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳ ва муҳтор элчиси А.Касьяненко бошқарди.

УКРАИНА ЭЛЧИХОНАСИДА УЧРАШУВ

Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқнинг ривожланиш суръати мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик таъминоти билан белгиланади, - деди элчи. Ижтимоий, маданий ҳамкорликнинг йилдан йилга кенгайиб бораётгани ҳам ушбу таъминот асосида қурилган муносабатларимиз самарасидир. Рақамларга назар ташласак, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 288,96 миллион АҚШ долларига етди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 23 фоиз кўпдир.

Анжуманда таъкидланганидек, Украина жорий йилнинг ўн ойида мамлакатимизга баҳоси 164,83 миллион АҚШ долларига тенг микдорда махсулот экспорт қилган. Ўзбекистондан импорт ҳажми эса 124,13 миллион АҚШ долларига етган.

Хар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина ҳукуматлари комиссиясининг яқин кунларда бўлиши кутилаётган бешинчи мажлиси мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликка янги туртки беради, деди элчи. Унинг айтишича, мажлисда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб операцияларини такомиллаштириш, Ўзбекистондаги нефть-газ конларига Украина компанияларини кўпроқ жалб этиш ҳамда Украина сармояси иштирокида республикамизда янги қўшма корхоналар ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилади.

(ЎЗА).

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТ - ДЎКОНЛАРГА

Агар Мингбулок тумани маркази — Жомашуў шаҳарчаси ёки туман кишлоқларидаги савдо шохбчаларида кириб қолсангиз, озик-овқат махсулотларининг сероблиги эътиборингизни тортади. Ковунқоқи, хилма-хил мева қиёмлари-ю томатлар, ўрик қоқиларию олма пивидолари дейсизми, ҳаммасидан бор.

Буларнинг бари ўзимиздан чиқади, ёрдамчи тармоқларда етиштириляпти. Қайси бир дўконга кирманг шундай изоҳни эшитасиз. Дарҳақиқат, туман матбуот улгуржи-чакана савдо ҳиссасдорлик жамияти бошқаруви кейинги йилларда ёрдамчи ишлаб чиқариш шохбчаларини кўпайтириш масаласига аҳамиятни қўйиб қўймади. Бугунги кунда ушбу ҳиссасдорлик жамияти қошида қатор ишлаб чиқариш тармоқлари фаолият кўрсатмоқда. Нон ва нон махсулотлари, қандолатчилик, макарон ва музқаймоқ цехлари ишлаб турибди. Амур Темур номли жомоа хўжалигининг анча йиллардан бери бекор туриб қолган мева ва сабзавотларни қайта ишлаш кичик корхонаси ижарага олиниб, ишлатилаётганлиги ахирини озик-овқат махсулотларига бўлган талабини кенгроқ қондиришда қўл келмоқда.

ли банка ана шундай махсулот тайёрлаиб дўконларга чиқарилган ҳамда кўшни вилоятлар ва Ҳамдўстлик мамлакатларига сотилган бўлса, амалдаги йилда бу борадаги кўрсаткич 21200 тона банкга етказилди. Фақат шунинг ўзидан 8 миллион 400 минг сўм даромад олинмоқда. Шунингдек, ташкилот ихтиёридаги 300 гектарли ёрдамчи деҳқончилик хўжалиги ва чорвачилик тармоғи ҳам пештахталарни тўлдирди, даромадини кўпайтириш, аҳолининг озик-овқат махсулотларига бўлган талабини кенгроқ қондиришда қўл келмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Бугун мамлакатда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмати кўрсатиши соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорини амалга ошириш юзасидан махсус дастури ишлаб чиқилиб, эски коммунал бирлашмалари ўрнида ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармалари ташкил этилди ва улар ҳокимликлар тасарруфига ўтказилди.

Вилоят «Сув оқави», «Иссиқлик манбаи», Дренаж сизот сувларини қочириб қорхонаси, шаҳар ва туманларни ёритиш билан шуғулланадиган «Нур» идораси ва бошқа хизмат тармоқлари фаолиятини марказлаштирадиган мазкур бирлашма янги Низоом асосида иш олиб бормоқда.

Худудий бошқарма тасарруфидан 1396 та кўп қаватли уй бўлиб, улардан 1565 таси 68 та турар-жой ширкатларига бирлашган. Қолганларида ҳам бу тадбир йил охирига қадар ниҳоясига етказилади.

Вилоят бўйича ободонлаштириш ишларида бир йилда бюджетдан 338 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Бу ҳозирги эҳтиёжларни тўлиқ қондира олмайди, албатта. Демак, кўрсатилаётган

КОММУНАЛ ХИЗМАТ ҚИШГА ТАЙЁРМИ?

хизматларни ўз-ўзини қоплашга босқичма-босқич ўтказиш ва фуқаролардан маблағ йиғиш учун ўз-ўзини бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартномалар тузиш керак бўлади.

Фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда А.Хамидов раҳбарлик қилаётган Шаҳрисабз туман коммунал фойдаланиш бошқармасида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Ушбу жомоа имкониятларни излаб топиб, ҳозирга қадар турли хизматлардан 2 миллион сўмдан ортиқ фойда

олди. Бироқ, Баҳористон, Деҳқонобод, Ғуздор, Қашқадар туманларидаги табиий газ ва ичимлик суви таъминотида узил-пириллар бўлиб турибди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият сусти, чиқиндилар ўз вақ-

тида ташиб кетилмайди. Кишлоқлар ва маҳаллаларни ободонлаштириш талаблар даражасида эмас. Коммунал хизматлар учун жорий тўловлар вақтида йиғиб олинмаётир. Мавжуд 75 та қозонхонадан 70 таси таъмирдан чиқарилди. 5 тасида бундай юмуш давом этмоқда. 162 километрлик иссиқлик узатиш тармоқларини қишги мавсумга тайёрлаш ишлари олиб бориляпти. 35 километрлик табиий газ қувурлари таъмирдан чиқди.

Қарши шаҳрининг «Пахтазор» митти туманида 5,3 километр сув

Фармон ва ижро

тармоқлари қайтадан қуриб битказилди. Мавжуд 84 та уйнинг барчаси сув ўлчагич асбоблари ўрнатилди. Бундай тадбирлар 1-, 2-, 3-, 4-, 5- ва 6-митти туманларда ҳам амалга оширилди. Шаҳар бўйича қарийб 13 километр масофага ичимлик суви қувурлари янгитдан ётказилди. Ичимлик суви тармоқларини қайта қуриш учун маҳаллий бюджетдан 78 миллион сўм, ҳомий ташкилотлар томонидан 102 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Аҳолидан коммунал тўловлар учун пул тушумини яхшилаш мақсадида 369 та маҳалла кўмитаси билан шартномалар тузилган. Лекин, газ ва сув тўловларини ундириш бўйича айрим ма-

ҳалла кўмиталари етарли ташкилотчилик кўрсатмаляптилар. Вилоятнинг чўл ва олис туманларида қозонхоналар ва иссиқлик узатиш тармоқларини таъмирлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Республика Президентининг Фармони ва шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислох қилиш жараёнини қишайтириш, хизмат сифатини яхшилаш, сарф-харажатларни камайтириш, тармоқ ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш истиқболлари белгилаб берилган. Ўйлаймики, қашқадарёлик коммуналчилар ўз вазифаларини виждонан адо этиб, қисқа муддатда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоратадбирларини кўрадилар.

Иzzат ҲИКАМатов, «Ишонч» муҳбири.

НАВБАТЧИЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Шу кунларда барча каби Урганч шаҳар аҳолиси ҳам тинчлик осойишталик учун қаттиқ туриб қуралиш кераклигини чуқур хис қилмоқда. Бунинг натижаси Улароқ шаҳардаги кўп қаватли биноларнинг ертўла ва томга чиқиш йўлақларига панжаралар ўрнатилди. Хусусан 1-ширкат қорхонасига қарашли 17 та бино ертўлауларнинг эшикларини тўла таъмирланди.

Осойишталикни таъминлаш мақсадида маҳалла посбонлари ички ишлар ходимлари билан биргаликда хонадонларни кўздан кечиришмоқда. Кечаю-кундуз навбатчилик қилиб, рўйхатда бўлмаган, ноқонуний равишда яшаб келаётган кишиларни аниқлаб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрмоқдалар. Айниқса, Илхом Рўзиматов, Рустам Юсупов, Эркин Қутлимуродов каби кўнгилли осойишталик посбонлари оғушда ҳаётини таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда.

Э.ЭРМАТОВ.

«МУЛОҚОТ»ДА ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ

Кундалик ҳаётнинг узвий қисми ҳисобланган коммунал соҳада истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида англашилмовчиликлар бўлиб туриши ҳеч кимга сир эмас. Улар кўпинча аҳолининг ўз ҳақ-хуқуқларини, қонунлар ва тартибларни яхши билимаслиги оқибатида юзга келади.

Республика «Мулоқот» маркази бу борада аҳолига ҳуқуқий маслаҳат бериш, низоолар чиқишининг олдини олишга кўмаклашиш мақсадида хайрли ишни бошлади - марказда (8-3712) 54-39-67 рақамли ишонч телефони фаолият кўрсатмоқда. Ушбу рақамли телефонга кўнғирок қилганлар уларнинг қизиқтирган саволга соҳа мутахассислари, иختисослашган ҳуқуқшунослардан батафсил жавоб олиши мумкин.

«Мулоқот» маркази ташкил топганига ҳам ҳали унча кўп бўлгани йўқ. У «Узоқмунозимат» агентлиги ташаббуси билан республика «Узоқмунозимат» ўқув-услубий, метёрий инжиниринг маркази ҳузурида

(ЎЗА).

СЕНСАН ҲАР НАРСАДАН МУҚАДДАС, АЗИЗ...

(Боши 1-бетда).

Мабодо эсласангиз, шу йилнинг 11 сентябр куни Нью-Йорк ва Вашингтонда руй берган дахшатли фожелардан сўнг АКШ маъмуриятининг кўрсатмасига биноан бу давлатнинг миллионлаб мўъжазгина байроқчилари халқнинг ана шу катта фалокат олдига бирдамлиги ва ҳамжихатлиги рамзи сифатида фуқаролар ўртасида тарқатилди.

Биз эса, яшириб ўтирмаймиз, фақат ҳақиқий озодликнинг ширин ҳидини тоғганимиздан кейингина Ватанга чин, фарзандона муҳаббат қандай бўлажани юрак-юракдан ҳис қила бошладик.

У Тошкентнинг Чилонзориде туғилган Шунинг учун ҳам соф ўзбек тилида, Тошкент лажҳасида галлашди. Аввалги йили у Олмониядан Тошкентга келганида учрашган чоғимиз шундай деганди:

— Ҳар сафар рингда галаба қозонганимдан кейин рўпарамда виқор ила Ўзбекистон байроғи кўтарилар ва она юртим мадҳиса янгар экан, кўзларимдан тирқираб ёш отилиб кетди, ака! Мени оқ юшиб, оқ тараган, вояга етказган, дунёга танитган она-Ватанимнинг ҳурмат-иззатини бироз бўлса-да жойинга қўя олганим, фарзандлик бурчинини андак бўлса-да адо этганлигимни ўйлайман, Ўзинини тутиб туролмайман.

Артурнинг ёнига бундан бир неча йиллар муқаддам Арманистондан вакиллар борганилиги ва у мабодо ушбу давлат байроғи остида рингга ташадиган бўлса, бошидан олтин сочажақлари тўғрисида ваъда берганларида боқсизмиш шундай деганди:

— Ватан ҳам она каби инсонда фақат битта бўлади. Менинг Ватаним, онам Ўзбекистон. Мен уни ҳеч қачон ҳеч нарсага алишмайман.

...Мен юқорида «Ватан» шеърини мурғак болалигимиздан ёд олганлигимизни беҳуда эслатадим.

— Ватанга муҳаббат фарзанд юрагига қон билан, она сuti билан қиради, — деди шу йил баҳор чоғи биз билан суҳбатда Сурхондарёнинг табаррук ота-хоналаридан бири, Узун туманида истикомат қилувчи кекса педагог, ёзувчи Нусратилла ака Шоймардонов, — бу табаррук ҳис-туйғу боланинг онги билан бирга шаклланиши лозим.

Ушанда мазкур туманининг Файзобод қишлоғидаги 28-ўрта мактабнинг ўқувчилари ёзган қишлоқ ёшлари мадҳиясини эшитиб, қалбимиз ғурур ва ҳисҳажонга тўлди. Мадҳиянинг матни ҳаваскор шoir Суюй Фармонга, мусиқаси эса Неймат Бўриевга тегишли экан. Биз мадҳиянинг бадиий жиҳатлари ҳақида сўз юритмаган ҳолда икки бандини диққатингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Боботоғ устида чиққанда кўёш, Истиқлол нурларин қиласан қиёс. Эзгулик, жасурлик-авлоддан мерос, Ватанга садоқат — фақат сенга хос. Соғ-омон бўлганин улгайсин ёшинг. Ватанин ардоқла, эгилмас бошинг. Илму фан йўлида бўлсин бардошинг, Алломулар руҳи — содиқ йўлдошинг.

... Узун тумани таасуротларини эсга олдим беҳос шу туман билан болғик яна бир воқеа ёдга тушди. Утган йилнинг ёз кунлари 22 ёшли Ватан ҳимоячиси Улуғбек Барноев мазкур туман тоғларида бўлган жангларда олдинги маррада оғир жараланди. Улимидан олдин рация орқали ўз командирига шу гапни айтди:

— Оналаримизни эҳтиёт қилинлар, Ватанин эҳтиёт қилинлар. Иккалови ҳам биз учун бирдай азиз. Биз оналаримизнинг оқ сutiга ҳам, Ватанимиз олдиндаги бурчимизга ҳам содиқ қолдик. Ватанфуруш газандаларнинг ҳаром оёқлари муқаддас тупроғимизни топташига йўл қўйманлар...

Орадан бир неча ой ўтгач, республика Олий Судида бир гуруҳ ярамаслар устидан суд борар экан, Улуғбекнинг отаси, Каттакўрғон туманининг кекса ўқитувчиси Абдулла ака Барноев шундай деди:

— Улим дунёдан жуда ёш кетди. Орзулари бир олам эди унинг. Лекин, бу гаждан менинг белим букчайиб, ирода ҳам чўкиб қолгани йўқ. Уғлим жонини ўз Ватани, халқи учун фидо қилди. У ва у билан бирга шаҳид бўлган қуролдош дўстлари қалбларимизда. Халқимиз қалбиде абадул-абад яшайди.

Сўнгра Абдулла ака темир панжара ортида кўзларини ердан узолмай ўтирган ватанфурушларга қараб бир гап айтдики, у ҳаммининг юрак-юрагига ўрнашиб қолди:

— Сенлар бошларингдан ўзбекининг дўпписини олиб қўй, номардлар! Бу дўппига муносиб эмассанлар. Ўзбекининг дўпписини фақат ўз халқининг қорига ярайдиган, унга мадад, таянч, суянч бўладиган фарзандларгина кийишга ҳақли...

... Мана, Хоразм сафаридан бошланиб, республикамизнинг бошқа кўплаб ҳудудларидаги таасуротларни эсга олишга мажбур қилган кечинмаларимиз ҳам ниҳоятсига етиб қолди. Мақоламизни эса кўп йиллик қадрдонимиз, умрининг бир қисмини чет эл хизмат сафариде ўтказган шифокор ва шоир, медицина хизмати подполковниги Исқандар ака Раҳмоновнинг бир сўзи билан яқунлашни афзал кўрдик:

— Ўзбекистон — она юртимиз, сизу биз Ўзбекистонсиз яшай олмаймиз. Тиррик етим бўлиб қоламиз. Мен кўп элар, кўп юртлар кезиб, мана шу ҳаёт фалсафасини янгидан қайта эганди бўлдим...

Қодиржон СОБИРОВ.

Жамоа шартномаси тузилиб, уни тасдиқлашдан мақсад ишловчилар меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларга энг зарур бўлган иш, дам олиш шариитини яратиб бериш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишдан иборат. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Шаҳрисабз пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ҳам юқоридагидек эзгу ният йўлидаги саъй-ҳаракатлар зое кетмапти.

Корхона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани боис барча жараёнлар юқори сифат остида амалга ошириляётир.

Хусусан, йилнинг ўтган ойлари мобайнида 30,5 миллион сўм даромад олинди. Унинг 18,3 миллион сўми соф фойдадир. Ана шу даромаднинг тегишли қисми ишчи-хизматчилар ва кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадирига сарф этиляётир.

Бирок шартнома бандлари бажарилишида белгиланган муддатлар, аниқ мақсад йўналишларидан четга чиқиб кетилмаяптими? Ишловчилар талаб-истакларидан келиб чиқиб, киритилган қўшимчалар амалда ўз ифодасини топяптими? Ана шу ва бошқа саволларга яқинда жамоа шартномасида кўрсатилган қоридаларнинг бажарилишини бандма-банд

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ АСОСИ

таҳлил этишга бағишланган йиғилишда атрофлида жавоб берилди. Корхона раҳбари Шўҳрат Тоғаевнинг ҳисоботи эшитилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари белгиланди.

Муҳокама чоғида ютуқлар билан бирга камчиликларга муросасизлик муносабатиде бўлинди. Бу ўз навбатида айрим фойдаланялмай ётган имкониятларни қидириб топши имконини берди.

Очигини айтганда, жамоада техника ҳавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига доир бандлар бека-ми-кўст бажариляганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Кейинги йилларда биронта бахтсиз ҳодиса қайд этилмагани бу борада аниқ амалий ишлар қилинаётгани самарасидир. Жумладан, мавсум олдидан ходимлар

Касаба уюшма иш тажрибасидан

учун 20 соатли ўқув ташкил қилиниб, улар техника ҳавфсизлиги қоридалари билан батафсил таширирилди. Корхонада махсус хона жиҳозланган бўлиб, унда меҳнатни ҳавфсиз ташкил қилиш жа-

дий манфаатдорлиги ўсишига, бинобарин меҳнат унумдорлигининг ортишига эришилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида жамоа аъзолари меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадирига 1

сабақум режасидан доимий ўрин олган. Шулар қаторида туман «Нуроний» жамғармаси, Ногирлар жамияти ва Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйига муттасил моддий кўмак кўрсатил-япти.

Жорий йилда ишчи-хизматчиларга жамоа шартномасида белгиланганидан ҳам юқори дивидент тўла мўлжалланмоқда. Аниқроқ, бу ракам 12 миллион сўмдан кам бўлмаслиги керак. Пахтани қайта ишлашдан олинаётган тола даражасининг ошиши, сифатнинг яхшиланishi ва замонавий технологиянинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши мўмай даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ишловчилар меҳнати юксак қадрланаётгани боис Б.Хожиев, У.Майлиев, В.Ибрагимов, Н.Файзиев, Ҳ.Тўрақуллов ва сингари илгорлар сафи кенгайиб бораётир. Улар ўз жамоалари шаънини янада кўтариш ва моддий манфаатдорликни ошириш мақсадирига сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» мухбири.



Тошлоқ туманидаги «Гулбахор—С» ишлаб чиқариш фирмаси бир йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Корхонада асосан аёллар кийимлари тикилиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Айна чоғда бу ерда 20 нафар ишчи меҳнат қилаётир.

Суратда: тикувчи қизлар (чапдан) Сайёра Турдиева, Феруза Қўшматова ва Наргиза Исоқова.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Шу сонга хабарлар

ТАРМОҚДА 300 ИШ ЎРНИ

Навоий вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма кўмитаси тизимида иш кўламини ошириш, янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган қисқа давр ичиде хизмат турлари анча ошиб, «Зилола», «Хунарманд» корхоналарида маҳаллий саноат концерни ҳисобига иш ўринлари сони 300 тага кўпайди. Миллий хунармандчилик соҳаларига хотин-қизларнинг кенг жалб этиляётгани айниқса, қувонарли. Дарвоқе, тармоқда ишлаётган 1098 нафар аёл меҳнатига ҳақ тўлаш, дам олишига шариит яратиш билан бирга, уларнинг Аналар ва болалар йилида кўзда тутилган имтиёзлардан тўла фойдаланиши ҳам таъминланмоқда.

ШИФОХОНАДА ТЎЙ

Навоий тумани марказий шифохонаси касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан бу ерда ҳар йили ночор оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда уларнинг хатна тўйларини ўтказиш анъана тусига кирди. Яқинда марказий шифохонада ўтказилган хайрли тадбирда кам таъминланган оила фарзандлари учун тўй дастурхони ёзилди. Тантанавда ҳар бир тўй болага миллий кийим бош кийдирилди, совға-саломлар улашилди. Уларнинг ҳар бирига банкдан ҳисоб рақами очилиб, омонат дафтарчаларига 3 минг сўмдан пул қўйилди.

Касаба уюшма кўмитаси ишловчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга асосий вазифа сифатида қарамоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 21 нафар кишига 40 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 13 нафар кишини нафақага чиқариш тантанали нишонланди.

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

БИЗНЕС КУРСЛАРИ ОЧИЛДИ

Инсон имкониятларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония марказида мамлакатимиз тадбиркорлари учун инсон ресурсларини ривожлантиришга мўлжалланган профессионал менежмент дастури бўйича бизнес курслари очилди. Бу марказ икки давлат ҳукуматлари ўртасидаги келишувга асосан ўзaro ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган бўлиб, мамлакат иқтисодиёти учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, маданий ва гуманитар алоқалар ўрнатиш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бизнес курсларини ташкил этишдан мақсад эса Ўзбекистон фуқароларини бозор иқтисодиёти шариитида ишлашга тайёрлаш йўли билан инсон ресурслари раванкига ҳисса қўшишдир.

Марказ таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлигидир (JICA). Ушбу муассаса JICA иштирокида МДХда ташкил этилган илк марказ ҳисобланади. Курсларнинг очилиш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Факультет ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним иштирок этиди.

ЧЎЛДА ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Кейинги йилларда Наманган вилоятида аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида катта ишлар қилинмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда тиббиёт тармоқларини кўпайтиришга эътибор кучайтириляпти. Жумладан, Мингбулоқ туманидаги «Наманган» ширкат хўжалигининг чўл ичкарисига жойлашган Дўмс қишлоғида врачлик шахобчаси бунёд

этилди. Маълумки, қишлоқ вилоят марказидан 50, туман марказидан 15 чақирим олислиқда жойлашган эди. 50 ўринли ушбу тиббиёт тармогининг барпо этилиши учун сарфланган маблағнинг учдан бир қисмини ёки 4 миллион сўмини хўжалик кўтарди. Бу гамхўрликдан чўлқуварлар хурсанд.

Ж. ОБИДОВ.

Шаҳар наркологија диспансери шифокори хузуринга бир аёл кириб келди. Оғзи тўла тилла тиш, башанг қийинган, бармоқлари тўла тилла узук. У ҳар қандай кишининг диққатини ўзига тортарди. Аёл мундадога ўтишдан олдин бизга қараб қўйди.

— Бу кишиям ўзимиздан, мақсадингизни айтаверинг, — деди шифокор Зафар Отабоев.

— Менинг яққаю ягона ўғлим кейинги вақтларда ўзгариб қолди. Гоҳ гунг, гоҳ ҳаддан ортиқ сержап, баъзан умуман иштаҳаси йўқ. Кейин билсам, шу болога йўлиқибди. Ёрдам бермасангиз бўлмайди.

— Болангиз бу нарсига пулни қаердан олган, унинг ўртоқлари, вақтини қаерда ўтказаятгани билан ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? — Отаси билан мен эртаю кеч бозордамиз, савдо билан шуғулланамиз. Хўжайиним ўғлим пулга ўргансин, пулга қизиқадиган толармон-тутармон бўлсин, деб унга хоҳлаганича пул берарди, у истаганича сарф қиларди. Унинг ўртоқлариям пулдорларнинг фарзандлари. Шуларга қўшилиб, ёмон йўлга кириб кетдим, дейман. Бу касалликни даволаб бўлмайди, деб эшитдим. Наҳотки, энди ўғлимни тузатиб бўлмаса, — дейди аёл кўзига ёш олиб...

Айтмоқчиманки, бу инсоннинг кайфияти қай дарожада шакланганлигига боғлиқми?

Бизнинг олдимизга келганда руҳий касаллик аломатлари борлиги, отанинг унга беписандлиги, у билан самимий суҳбат қуришга вақт топол-

масликлари, ўзи ёқтирадиган одамидан мажбуран жудо бўлиб қолиши каби салбий ҳолатлар ҳам шунга сабаб бўлади. Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, гиёҳванд касални юқтириб олмайдди ёки ўз-ўзидан келадиган гиёҳванднинг бор-йўқлиги, болалигида кўпроқ ангина, шамоллаш билан оғриганлиги, она болага ҳомиладорлигида кечирган руй-рост токсикозлари, юқумли ёки оғир сурункали касалликларини шулар жумласидандир. Бундан ташқари юқоридаги белгиларнинг бирорта-си бўлмаган ҳолларда ҳам кишилар наркотикка ўрганилиб қолиши мумкин. Уқиш, ишдаги муваффақиятсизлик, оиланинг бадас-тир эмаслиги, отаси ёки

Иснод

ГИЁҲВАНДЛИК ГИРДОБИДА

ундан қутулиш осон бўлмайди

лулчи бангиларда қуйидаги хусусиятлар борлиги аниқланади: яъни ўша беморнинг ёшлигида мияси жароҳатланганлиги ёки чайқалган, отаси ёки онаси чекувчи, ичувчи бўлган-бўлмаганлиги, қариндош-уруғлари орасиде гиёҳванднинг бор-йўқлиги, болалигида кўпроқ ангина, шамоллаш билан оғриганлиги, она болага ҳомиладорлигида кечирган руй-рост токсикозлари, юқумли ёки оғир сурункали касалликларини шулар жумласидандир. Бундан ташқари юқоридаги белгиларнинг бирорта-си бўлмаган ҳолларда ҳам кишилар наркотикка ўрганилиб қолиши мумкин. Уқиш, ишдаги муваффақиятсизлик, оиланинг бадас-тир эмаслиги, отаси ёки

тишганки, бу бизни қувонтиради, албатта. Фақат бунинг битта шarti бор. Гиёҳванд тузалиши учун унга катта ирода керак.

«Соғайишни ишташинг ўзи ярим соғайишдир». Доғишмандларнинг ҳикмати ҳозирги кунда ҳам эскиргани йўқ. Фақат тезлик ошиб кетган ҳозирги шариитда бу ишда ҳар қандай кечикиш ҳалоқат билан тугаши мумкин. — Ўтган беш йил ичиде беморлар сониде фарқ борми? — Авваллари гиёҳванд моддаларга 25-30 ёшдаги кишилар кўпроқ мубало бўлар эдилар. Ҳозир эса 15-20 ёшли ўсмирлар ҳам қилинапти. Бу эса галамисларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ. Бу дориларни сотувчилар кимни осон қармоққа илинтиришни яхши билишади. Ҳамма нарсига қизиқувчан ёшларга улар дастури бу моддаларни текин-

га беришади. Ёшлар бу нарсига ўрганиб қолишга, уларни ўзлари излаб боришади. Бундан тўрт йиллар олдин кўкнори, қорандориларга эҳтиёж сезилган бўлса, 1997 йиллардан буёғига бизнинг ҳудудимизга энг кучли ҳисобланмиш героин кириб келди. Гиёҳвандлик том маънода оёғи узун иллат. Унинг тузоғига қанча кўп киши илинса, уни тайёрловчи ва тарқатувчи кишилар чўнтагига сунча кўп пул тушади. Зеро, ўткир, хавфли касалликлар билан хасталананадиганлар ҳам, юқувчи вирусни ташувчилар ҳам гиёҳвандлар ҳисобланади. Чунки улар гиёҳванд моддани битта идишдан олиб, битта игнадан фойдаланадилар ва натижада уларнинг биридаги касаллик инкинчисига қони орқали осонгина ўтади. Маълумотларга қараганда, фарб мамлакатларида гиёҳвандларнинг 40 фоизи СПИД билан оғриган. Бу дахшат! Зеро, биз ҳаммамиз битта сайёрада яшайганимизни унутмаслигимиз керак.

Барно СУЛТОНОВА, «Ишонч» мухбири.

САВОЛ: Меҳнат дафтарчаси тўғрисида батафсил тушунча берсангиз. Жумладан, ходимларга қонунда кўрсатилган муддатда меҳнат дафтарчаси тўтилмас, ишдан бўшаб кетаётганларга ўз вақтида тўлғазилган меҳнат дафтарчаси берилмас, у қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкин?

Бухоролик бир гуруҳ тиббиёт ходимларидан И.Қурбонов, Ф.Ҳамидов, М.Сатторова ва бошқалар.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80, 81-моддаларига мувофиқ ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган асосий ҳужжатлардан бири — меҳнат дафтарчасидир. Меҳнат стажига эга бўлган шахс меҳнат дафтарчасини, биринчи марта ба ишга кираётган шахс эса, турар-жойидан маълумотнома тақдим этмас, иш берувчи томонидан ишга қабул қилинмади.

Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир муассасада, мулкчилик ва ҳўжалик юрители шаклидан қатъи назар, меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари бўлиши шарт ва беш кундан ортиқ ишлаган, шу жумладан, муайян муддатга ишга қабул қилинганларга, шунингдек, давлат ижтимоий суғурта қилиниши назарда тутилган, штатлар жадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади. Айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларга меҳнат даф-

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

тутиш тартиби

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

тарчаларини юритмаслик (МК 1, 5-моддалари) ноқонуний ҳисобланади.

Иш берувчиларнинг меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкаларини топиш ва уларни сотиб олиш муаммо эканлигини баҳона қилиб кўрсатиш ноўриндир. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан барча муассасаларни меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари билан таъминлаш вазифаси «Маҳаллий меҳнат органлари» зиммасига юклатилган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, Меҳнат кодексини ўқиган билан бу меҳнат дафтарчаларини юритиш тўғрисидаги маълумотга тўлиқ эга бўлини, дегани эмас. Бунинг учун 1998 йил 7 январда тасдиқланган ва Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» (бундан кейин «Йўриқнома» деб юритилади) билан ҳам батафсил танишиш лозим бўлади. Унга асосан ҳуқуқий тадбиркорлик ва яска тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлмаган фуқароларга ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжаликларда ишловчиларга меҳнат дафтарчаларини бериш, меҳнат стажини белгилаш туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Меҳнат дафтарчалари

Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида, Қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ ёки Ўзбекистон Республикаси давлат тилида иш берувчи томонидан ходимнинг иштирокида тўлдирилади.

Меҳнат дафтарчасига қуйидаги маълумотлар киритилади: ходим тўғрисида: фамилияси, исми ва отасининг исми, тутилган санаси, маълумоти, касби,

дафтарча эгасининг Т-2 шаклидаги шахсий варақасини имзолаш йўли билан 3 кун муддат ичида таништириши лозим. Шахсий варақа ва меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар бир хил бўлиши даркор. Меҳнат дафтарчасига интизомий жазолар тўғрисидаги маълумотлар ва меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) ёзилмайди. Шунинг учун ҳам ходим интизомий

маълумотларга нотўғри ёки ноаниқ ёзувлар киритилган бўлса, бунга йўл қўйган иш берувчи томонидан тўғриланади ва тасдиқланади. Муассаса тугатилган тақдирда, унда хатони унинг ҳуқуқий вориси, вориси бўлмаса, шу тугатилган муассаса бевосита буйсунган юқори ташкилот тuzатади. Гувоҳлар кўрсатмаси меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритиш учун асос бўлмайди.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни (унинг сабабидан қатъи назар) иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт. Ходимнинг унга ишониб топширилган асбоб, ускуналарни ва бошқаларни топширмаслиги, муддатидан илгари фойдаланган меҳнат таътиллари кунлари учун олинган пулларини қайтаслик меҳнат дафтарчасини бермаслик учун асос бўлмайди. Бу ўртада келиб чиққан низони ҳал қилиш учун иш берувчи ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим ишда бўлмаса, иш берувчи ўша кунгича унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб келиши тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатиши шарт. Акс ҳолда Меҳнат кодексининг 275-моддаси ва йўриқнома талабига би-

жазо берилган буйруқ билан имзо чекириб таништирилади ва меҳнат шартномаси бекор қилингандан унга буйруқнинг нусхаси берилади (МК 108, 182-м.).

Ходимга меҳнат шартномаси бекор қилиниб, меҳнат дафтарчаси уни олганлиги тўғрисида имзо чеккидан сўнггина берилади. Иш давомида зарур ҳолларда ходимларнинг илтимосига биноан меҳнат дафтарчасидан маълумотлар кўчирмасини ёзиб, тасдиқлаб бериш мумкин.

Агар меҳнат дафтарчасида иш тўғрисидаги

ноан иш берувчининг айби билан ходимга меҳнат дафтарчасини бермаган барча (ой, йил) кунлари учун унга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Бундай ҳолда ходимнинг ишдан бўшаб қўлиши — меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшатилган куннинг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади ва ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги илгари киритилган ёзув бекор қилинади.

Агар ходим ишдан бўшатилгандан сўнг, меҳнат дафтарчасини йўқотса, у ариза билан меҳнат дафтарчаси дубликатини ёзиб бериши илтимос қилиб охириги иш жойига мурожаат қилишга ҳақли. Ариза қабул қилинган кундан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликатини ёзиб бериши шарт. Кўрсатилган муддатда ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати берилмаса, Меҳнат кодексининг 275-моддасида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқади.

Йўриқнома талабларига асосан янги меҳнат дафтарчалари, дубликати беришда иш берувчи ходимдан белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан ҳақ ундириб олади.

Меҳнат дафтарчаларини амалдаги Қонунлар асосида юритиш, назорат қилиб бориш иш берувчининг, ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассисларнинг, ҳуқуқшуносларнинг ва касаба уюшмаси фаолларининг асосий бурчидир.



МИҲОЗЛАР МАМНУН

Бешкент шаҳрига кириб боришингиз билан сабатли бино диққатингизни ўзига тортади. Бу акционерлик тижорат Пахта-Банкнинг «Бешкент» бўлими биносидир. Кутиш залига юмшоқ мебеллар қўйилган. Ходимлар ҳар бир миқдорни «чехра билан кутиб олиб, ишини тезда ҳал қилиб беришга одатланишган.

— Жамоамизда 43 нафар киши меҳнат қилади, дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Йўлдош Эргашев. — Уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бераямиз. Жамоа шартномасининг барча бандлари беками-кўст бажарилмоқда.


Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан пахта мавсумида иштирок этган теримчилар банк томонидан ўз вақтида маблағ билан таъминландилар. Яъни, шу кунгача уларга 790 миллион 192 минг сўм пул берилди.

Банкада касса режаси ҳам ортиги билан бажарилмоқда. Мисол учун ўтган ойда 249 миллион 168 минг сўм ўрнига 286 миллион 176 минг сўм нақд пул кирим қилинишига эришилди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: ходимлар ва банк биносининг умумий кўриниши.

Муаллиф олган суратлар.



ҲУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

мутахассислиги;

иш тўғрисида: ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш (жамоа шартномасида кўрсатилган асосларда ишлаб чиқариш зарурияти билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш бундан мустасно), меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаганлик ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлари ҳақидаги ёзувлар ҳам киритилиши шарт. Меҳнат дафтарчасига киритилган ҳар бир ёзув билан иш берувчи

иш тўғрисидаги

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ҲУЖУМЛАР РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚДА

АҚШ ва Буюк Британия ҳарбийларининг Афғонистонда олиб бораётган, омондан берилаётган ва қуруқликдаги ҳужумлари тобора авж олмоқда. Кунни кеча толибларнинг янги ўчоқларига зарбалар берилди. Қобул, Қандаҳор, Кундуз, Мозори-Шариф, Тулукан атрофларининг бомбардимон қилиниши натижада террорчиларнинг қатор масканлари яқсон этилди. Франция президенти Жан Жак Ширак ва Олмонни канцлери Герхард Шрёдер ўзларининг яқинда бўлиб ўтган учрашувларида гарчанд Афғонистондаги воқеалардан ташвишда эканликларини айтган бўлсалар-да, АҚШ ва Буюк Британия хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётганларини яна бир бор таъкидладилар.

«ОК УН» ФИНЛЯНДИЯДА

Финляндиянинг почта хизмати маҳкамаси келган юқлар орасида тўртта мактуб жилдидан жаҳонни ваҳимага солаётган куйдиргининг «оқ уни» чиққанлигини хабар қилди. Бундай ҳолат Овяскуля, Турку, Рованиеми, Сейнайки шаҳарларида рўй берди. Лекин, текширишлар мазкур «поршок»ларнинг зарарсиз эканлигини кўрсатди. Ҳозирча маъмурият бу иш қимнингдир «совуқ ҳазили» деб тахмин қилмоқдалар. Аммо, Нью-Йорк Халқаро савдо марказига ҳужумда қатнашган Саудия Арабистонлик Ҳамза ал-Ҳамдий деб аталган қимсаннинг бир йил муқаддам Финляндиянинг Ар-Риёд шаҳридаги элчи-хонасига ҳужжатлар топшириб, мазкур мамлакатга ўтишга уринганлиги аниқланди. «Хельсинген Саномат» каби матбуот нашрларида пайдо бўлган бундай хабарлар анча шов-шувлар келтириб чиқарди.

НИХОЯТ ИСТЕЪФО...

АҚШнинг Юнайтед Айрлайнс авиакомпанияси раҳбари Жеймс Гудвин истеъфога чиқди. Бунга 11 сентябр воқеаларида мазкур компаниянинг иккита самолётини тер-

«РОССИЯДА УЧРАШУВ»

Оврупода фаолият кўрсатаётган Халқаро Иқтисодий форум аъзолари анъанавий равишда ўз анжуманларини кўпроқ Давос шаҳрида ўтказиб келардилар. Бу сафар мазкур уюшма аъзолари Москвада тўпландилар. Уларнинг навбатдаги йиғилиши «Grand Marriot» меҳмонхонасида иш бошлади. Унда 300 дан зиёд хориж ва Россия компаниялари иштирок этмоқдалар. Мазкур анжуман олдиндан маъмурият «аксглобалчи» деб аталмиш одамларнинг тўполон чиқаришидан ҳавотирга тушган эдилар. Бироқ, Москвада Давос, Зальцбург, Генуя шаҳарларида бўлиб ўтган галаёнлар тақдорланмади. «Россияда учрашув — 2001» деб аталган мазкур Халқаро Иқтисодий форум қатнашчилари асосан иқтисодий масалаларни муҳофиза этмоқдалар. Бунда интеграциялашув муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КУРОЛСИЗЛАНИШ ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Ирландияда бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Ирландия Республикачлари Армияси» деб аталмиш экстремистик қуролли жангарилар раҳбарияти эндиликда батамом қуролсизлана-жақликларини эълон қилдилар. «Шин Фейн» партиясига раҳбари террорчилар рўйхатига тушиб қолишдан қўчиган «ИРА»чилар ана шундай йўл тутишини маъқул кўрганликларини таъкидлади. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳлари нихоят, 1998 йилда ишқоланган тинчлик битими муҳолиф томонлар ўртасида ҳозирга келиб осойишталик ўрнатиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Р. УМАРОВ тайёрлади.

Мана тўртинчи ҳафтадирки, аксилтеррор коалициясининг Афғонистондаги ҳаракатлари давом этмоқда. Ҳозирча асосий эътибор ҳарбий-ҳаво кучларига қаратилган. Бундан бир неча кун аввал АҚШнинг қуруқликдаги ҳарбий бўлиналари иборат махсус гуруҳ (тахминан 200 киши) Қандаҳор атрофига ташланган эди. Маълумотларда таъкидланганича, бу махсус десант қисмлари ўз вазифасини муваффақиятли бажарган. Хусусан, улар «Толибон» ҳарбий қисмлари ва террорчиларнинг жамланган ҳудуди ҳақида янги маълумотларни аниқлаган.

Шундай бўлса-да, аксилтеррор кучлар кенг миқёсда пиеда қўшинларни жангга сафарбар этишга шойилмапти. Бунинг асосий сабаби, бўлажак ҳарбий ҳаракатларнинг пухта ва аниқ бўлишига интилиш бўлса, иккинчи томондан Афғонистондаги ҳарбий лагерлар, истеҳкомлар, полигонларни бутунлай йўқ қилиш борасида ҳали анчагина иш борга ўхшайди. Кейинги кунлар мобайнида АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг амалиётларида Қобулдаги истеҳкомлар нишонга олинган. Жаҳон матбуотининг эътирофича, бу ҳаво ҳужумлари 7 октябрдан бери олиб борилаётган амалиётлар ичида энг кучлиси бўлган. Ана шу бомбардимонлар баробарида Шимолий альянс ҳарбийлари, Мозори-Шариф томон ҳужумга ўтиб, ушбу стратегик ҳудуд сари бир неча чақирим ёриб ўтишга эришган.

Албатта, АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий-ҳаво ҳужумлари отдан тушса ҳам эгардан тушмаётган «Толибон» қўшинларини ҳассага таянтириб қўйди. Улар («Толибон») саросимага тушмоқда. Қобул ва бошқа шаҳарларда бир неча кишининг қатл этилиши, «Толибон» дала қўмондонлари орасидаги келишмовчиликлар ва бунинг оқибатида ўша қўмондонлардан айримларининг отиб ўлдирилиши саросима ва ихтилофдан бошқа нарса эмас. Стратегик жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланган Баграм аэродроми ҳам Шимолий кучлар назоратида. Маъ-

лумки, бу аэродром Афғонистондаги энг йирик ва қулай аэродром бўлиб, у пойтахт Қобулдан бор-йўғи 40 км. узокликда жойлашган. Бироқ, ушбу аэродром яқинда амалга оширилган ҳаво ҳужуми чоғида бутунлай яроқсиз бўлиб қолди.

«ТЕРРОРИЗМНИНГ ҚўЛЛАРИ КЕСИЛМОҚДА...»

1 «АФҒОНИСТОН ҲАҚИДА ҲИЛАР»

либон» 1996 йил сентябр охирида Қобулни эгаллаганидан бери Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Покистонга «Толибон» билан расмий алоқа ўрнатган эди. Аммо, 11 сентябр дунё халқлари учун «қора сешанба» бўлгач, Саудия Арабистони ва БАА «Толибон» билан алоқани узди. Бугунги кунга келиб Покистон аксилтеррор коалицияга қўшилганлиги маълум. Лекин, Покистон халқаро кучларнинг «Толибон» билан эҳтимол тўтилаётган муносабатига воситачи вазифасини бажариш мақсадида алоқани сақлаб қолганлигини билдириди. Бу албатта расмий Исломободнинг нуқтаи назари. Масалани қуқурок нигоҳ ташласак, айнан Покистон (тўғри, 1996 йил кузида генерал Парвез Мушарраф ҳокимиятни эгалламаган эди) ўша кезлари «Толибон»ни қўллаб, Бурхониддин Раббоний ва унинг «тарafdорларини ҳокимиятдан четлаштиришга мададкор бўлганлигини қўрагимиз. Умуман, бундан кейин ҳам Афғонистон ижтимоий-сиёсий ва халқаро ҳаётида Поки-

стон ва Эрон омиллини ҳисобга олмасдан илож йўқ. Масалан, Покистон ўтган асрнинг 70-йилларида охири ва 80-йилларда Афғонистон воқеаларига фаол ара-лашди. Собиқ Иттифоқ қўшинлари афғон заминидан олиб чиқиб кетилган 1989 йилнинг 15 февралидан кейин Исломобод ён қўшнисининг ички ишларига (Афғонистонга) янада кўпроқ таъсир эта бошлади. Бу таъсир этиш мафқуравий, ҳарбий, сиёсий ва умуман Покистоннинг геополитик мақсадлари манфа-

воситалари ходимлари билан учрашувда «Менга Афғонистон тинч бўлса бўлди, бошқа ҳеч нарса керак эмас!» деб таъкидлади. Дарҳақиқат, афғон диёрида тинчликнинг қарор топиши бутун минтақамизга, қолаверса, бутун жаҳонга ўз таъсирини ўтказди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Афғонистонда тинчлик юзага келишининг асосий омили сифатида афғон диёридаги барча миллат ва элалардан (яъни, уларнинг вакиллари-дан) иборат коалицион ҳукумат тузилиши тарафдоридир. Бу ҳукумат эъзули, миллатлар-раро тотувлик учун интился, айни муддао бўлар эди. Бундан етти-саккиз йил аввал илгари сурилган Ўзбекистон ташаббуслари бугун ҳам халқаро аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош қотибининг ўринбосари Кензо Ошима ва ЕХТнинг амалдаги раиси Руминия ташқи ишлар вазири Мирча Жеоанени қабул қилар экан, айнан бундай халқаро тизимлар Афғонистон муаммосини тезроқ ҳал қилишда ва умуминсоният тараққиётига катта ҳавф солаётган терроризмни илдириш билан қуритиб юборишда етакчилик вазифасини бажараётганлигини уқтирди.

— Ўзбекистон ташаббусларида Афғонистоннинг худудий яхлитлиги сақлаб қолиниши масаласига алоҳида эътибор қаратилган; — қандай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъйиқ ёки арала-шувга йўл қўйиб бўлмаслиги; — Афғонистонга қурол-яроғ етказиб бериши қатъиян таъқиқлаш зарурлиги; — мамлакатдаги барча мил-лий-этниқ ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар вакилларидан иборат коалицион ҳукумат тузиш; — тинчлик ўрнатиш жараёнида барча манфаатдор мамла-катлар, энг аввало Афғонистон-га қўшни давлатларнинг фаол иштирок этиши кўзда тутилган.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Ватан остонадан, остонадаги муқаллас тупрокдан бошланади. Шунинг учун ҳам инсонга Ватандан ортик ҳеч нарса йўқ. Унинг ҳар сиким тупроғи кўзга тўғий. Ватан бизнинг жонимизда, таъинимиздадир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, биз буюк ва қаҳрамон аждодларнинг воришларимиз. Биз учун миллатимиз шайнинг пок асраш, Ватанни ҳимоя қилиш уларнинг ўлмас руҳи олдидаги бурчимиздир.

Бугун терроризм таҳдиди остонамиз олдида турган экан, ганимларимиз бузғунчи гоялари билан фарзандларимизни ёмон йўللarga бошлаётган, уларни ўз ота-онаси, халқи, Ватанига душман қилишга уринаётган экан, вазият ҳар биримиздан мамлакатимиз тинчлиги, порлоқ келажаги учун ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбияламоғимиз, осойишталигимизга ҳаф солаётган кучларга қарши курашга отланмоғимизни талаб этади.

ВАТАН БИЗНИНГ ЖОНИМИЗДАДУР

«Остона» бадий фильми хусусида

Ўзбекистон Республикаси чегараларини ҳимоялаш давлат қўмитаси буюртмаси билан «Ўзбекфильм» қошидаги «Ватан» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзтеледиорадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали ҳамкорлигида яратилган тўрт қисмли «Остона» бадий фильмининг «ойнаи жаҳон»да намойиш этилиши ўзига хос воқеа бўлди. Долзарб мавзудаги мазкур фильм сценарийси таниқли киносанъаткор Ю.Розиков томонидан ёзилган бўлиб, унга Ш.Маҳбубов режиссёрлиги билан Тасвиричи Б.Аюпов, бастакор Ж.Изамоов фильмнинг муваффақиятли чиқишига катта ҳисса қўшганлар. Умидли шоир Б.Умаров шеъри билан хонанда Б.Тошхўжаев айтган «Остона» кўшиги фильмининг кизил ипидир.



Баҳодир Жабборов (бу ролни Б.Йўлдошев ижро этган) чўпон айнан бир жойда уч марта чегарани бузиб ўтганидан шубҳалангани. Унинг тadbиркорлиги ва топқирлиги билан эғизаклар (бу ролни М.Ражабов ижро этган)дан бири гиёҳванд моддалар...



Остона Ватан сарҳадлари бошланадиган муқаддас нукта. Давлат қўрғон. Уни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчи. Шу боиски, «Остона» фильмининг намойиши миллионлаб томошабинларда она Ватанга муҳаббат туйғусини янада жўш урдирди, десак муболага бўлмас. Режиссёр Ватанимиз чегараларини мардона кўриқлаётган чегарачилар қисматини тўрт йил муқаддам чегарачилар олий ҳарбий билим юртини тугатиб, турли ҳарбий қисмларда хизматни ўтаётган курсдошлар тақдир орқали кўрсатиб бериши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Томошабин фильм воқеаларини ўрнидан жилмай, диққат билан кузатиб боради.

Тақдирот

чилиримиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Капитан Саида (Р.Зокирова) аэропорда назоратчи бўлиб ишлайди. Йўловчиларнинг ҳатти-ҳаракати, эғнидаги кийими, руҳидаги сезилар-сезилмас ўзгаришлар унинг диққат-эътиборидан четда қолмайди. Йўловчи аёлнинг паспорти билан бўйнидаги тақинчок ўртасидаги номутаносибликдан ажабланиб, уни зимдан кузатади. Билимдонлиги, кўп нарсалардан...

ҳабардорлиги туфайли аёл опасининг паспорти билан сафарга отланганини фош этади. Контрабанда моллари билан хуфёна савдо қилувчи учарлар унинг фарзандини ўғирлашади. Хориждан келадиган ажнабий йўловчининг текширмасдан ўтказиб юборса, ўглини бешикаст қайтариб беришларини шама қилдилар.

Чегарачиларимиз билан ва маҳоратларини ишга солишиб, ёвуз ниятли тўдани доғда қолдириб, болани қўтқаришлар. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, ганимларнинг пуч мақсадлари амалга ошмай қолади.

«Остона» фильми айниқса ёшларда катта кизиқиш уйғотди. «Чегарачиларимиз ҳақида мазмунли ва ҳар жиҳатдан ибратли фильм яратилди, - дейди тошкентлик Пахлавон Маҳмудов. - Ҳарбий хизматга чақирилсам, албатта, чегара қўшинларига юборишларини сўрайман».

«Ватан ҳимоячилари ҳақида тўлақонли бадий фильмлар яратса бўлар экан-ку, - дейди мактаб ўқитувчиси Гулдонм Гуломова. - Фильмда миллий руҳ баралла уфуриб турибди. Режиссёр ва тасвиричи чегаранинг у томонидаги ҳамда биз томондаги ҳаётни таққослаб, катта маҳорат кўрсатганлар».

Фильмининг чегарачиларимиз, ҳарбий мутахассисларимиз ҳам томоша қилиб, экран асарини уларга жуда манзур бўлганини таъкидлашди. Фильмининг давомини суратга олиш лозим деган тақдир кўриштиди.

Биз баъзи мулоҳазалар, жузъий камчиликлар ҳақида гап очмадик. Бу томонлари мутахассисларга ҳавола.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

ТУРКУМ НАШРЛАР

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг навбатдаги иккинчи босқичи бошланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги 2001-2005 йиллар мобайнида бажариладиган кенг қўламли ишлар тadbирларини белгилаб олди.

Халқ таълими соҳасида режалаштирилган буюм маърифий жараёнда кўплаб нашрларни чоп этиш ҳам кўзда тутилди. «XXI аср — интеллектуал авлод асри» деб номланган китоб ҳам шулар жумласидан. Бу нашрни тайёрлаш ва чоп этиш ишлари янги 2002 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилади.

Вазирлик йўли билан янги китоб-альбом ҳам босмага тайёрланмоқда. «Истиклолнинг улуг қадамлари» деган номидаги мазкур нашр ўзбек, инглиз ва араб тилларида китобхонларга тақдим этилади. Бу ишда Тошкент Ислоҳ университети олимлари фаоллик кўрсатишади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон ифтихори» деган китобнинг янги тўлдирилган наشري ҳам босиб чиқарилади.



Бола бондан ширин...

САҲНАДА НАВОЙИ ДОСТОНИ

Ижодий ҳамкорликда спектаклларни саҳнага олиб чиқиш республикамиз театрлари учун яхши анъанага айланган бўлди. Ўзбекистон рус академик драма театри ҳам шу йўлдан бориб, бир неча асарларни саҳнага олиб чиқди.

Таниқли туркман режиссёри Овқилкул Тожиғули постановкасида бу санъат қошонасида кўрсатилган спектакллар ҳам томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган.

Театр жамоаси туркман санъаткорларини яна Тошкентга тақлиф этди. Бу сафар у ўзбек адабиётининг буюк даҳоси Алишер Навоий ижодига мурожаат қилди.

Режиссёр кўпдан бери Навоий достонлари асосида саҳна асарини қўйишни оруз қилиб келарди. Бу яхши ният яқин орада амалга ошадиган бўлди. Буни рус томошабинлари ҳам кутган эди.

Футбол

«НЕФТЧИ» МУХЛИСЛАРИ ТАНТАНАЛАРГА ШАЙ

Чамаси, ушбу учрашувдан сўнг «Трактор» жамоаси бош мураббий Равшан Ҳайдаровнинг елка-мавсум охиригача қолган олти сиздан босиб турган тош қулади. Ўйиннинг атиги иккитасида ғалаба қозониш билан «Нефтчи» мухлислари кўчасига байрам кириб келади. Бошқача қилиб айтганда, муддатидан илгаридан чемпионлик унвонига сазовор бўлинадими. Аммо, у қачон юз беради — буниси ҳозирча номаълум.



Шундай қилиб, мурожаат қилинган «Нефтчи» мухлислари кўчасига байрам кириб келади. Аммо, у қачон юз беради — буниси ҳозирча номаълум.

Шундай қилиб, мурожаат қилинган «Нефтчи» мухлислари кўчасига байрам кириб келади. Аммо, у қачон юз беради — буниси ҳозирча номаълум.

Навбатдаги тур 6 ноябрда ўтказилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида иккитдорли ўқувчи ёшлар маърифий камолотини ўстириш билан боғлиқ тadbирларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг махсус қўшма буйруғи асосида «Иккитдорли ёшлар билан ишлаш сиртки мактаби» очилди.

СИРТҚИ МАКТАБ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатадиган мазкур сиртки мактабга ўрта мактабларнинг 7-10-синф ўқувчилари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 1-2-курс ўқувчилари қабул қилинди.

Улар ўз таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши билан бирга катта қўлиб қўйилганларини мунтазам ошириб, фан олимпиадаларига қатнашиш, олий ўқув юртиларига кириш учун тайёргарлик кўриб борадилар.

Айни вақтда сиртки мактаб ўқувчилари тегишли фан соҳаси бўйича таниқли олимлар билан учрашиш, Тошкентдаги етакчи олий ўқув юртилари ва илмий тадқиқот институтлари фаолияти билан танишиш имконига ҳам эга бўладилар.

Сиртки мактабни муваффақиятли тугатган ўқувчиларга белгиланган тартибда гувоҳнома берилади.

«ИНТЕРНЕТ»ДА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ

Талаба ёшларининг интернет билан муомала қилишда қўриқиб келган мутахассислар ҳам ўз амалий ёрдамларини аямаятирлар. Буни Ўзбекистон Давлат Ҳаҳон тиллари университетида амалга ошириладиган маърифий-техник тadbирлар мисолида кўриш мумкин.

Жанурий Коркин Президенти ҳузуридаги «Давлат академик бизнес-ахборот» мактаби ҳамда «Samsung-Electronics» компанияси сазй-ҳаракати билан олий ўқув юртида ташкил этилган ҳафталик интернет семинари ҳам фойдаланиб бўлди. Корейлик малакали менежерлар талабаларни «Excel» ва «Word» дастури билан яқиндан таништирдилар. Бу жараёнда «Интернет» алоқа тармоғида фаолият кўрсатиш амалиёти билан бевосита боғланди.

Ушбу ўқувда фаоллик кўрсатган талабалар махсус гувоҳнома эгаси бўлишди.

А.АЛИЕВ.

МУНОЗАРА

Ботир билан бўлган суҳбатларимизда гоҳ-гоҳ мунозаралар ҳам бўларди. Уларнинг айримлари ниҳоятда етмай қолган. Мен «Хамса»ни варақлаб, «Фарҳод ва Ширин»даги образлар, воқеалар ва уларнинг бадий тавсифи, ўзбек шеърининг ўзига хослиги ҳақида гапириб, «Афсуслар бўлинки, кино аҳли бу хазинадан бекбаҳра қолмоқда... Навоий, Лутфий, Беҳзод. Мақом — кўҳна маданиятнинг бошқа кўринишлари ўзбек кинематографиясига ҳақиқий миллий асар яратиш учун хизмат қилиши мумкин» десам, Ботир ўйланиб қолар эди...

— Санъаткор қайси миллатта мансуб бўлса, ўша миллатга хос фазилатлар унинг асарларида намоён бўлаверади. У баъзан адашар, ўзга юрт, халқ маданиятига эргашар, лекин пировардида ўз миллатининг қўйиқисига айланади, ўз миллатига хос жиҳатларни ифодалашга эҳтиёж сезади.

Баҳс қилиб кетарди. Фирқлар тўқнашуви асабимизга теғмас, аксинча, бизни тўқнаштириб юборарди.

(Боши ўтган сонларда).

САНЪАТГА САДОҚАТ

— Йўқ, санъаткор ўз халқининг меросини ёшлигидан ўрганиб, унинг бадий тажрибасини ўзлаштириб бориши, бинобарин, маълум жиҳатдан унинг бойиши, мукамаллашуви учун хизмат қилиши зарур, - деб фикримизда қаттиқ туриб олардим. Кейин Гоголни мисол қилиб кўрсатиб, хулоса қилардим. - Халқи, авлод-аждод берган муайян бир хусусият, олижаноб фазилат зарралари қонида бордир. Лекин унинг камол топиши, ўсиши мазкур шахснинг ўзига, билим доирасининг кенглигига, ўз юрти билан алоқада бўлишига, ўз халқининг ғам-ғуссаси, ташвиши билан яшашига боғлиқ, - десам Ботир кизишиб:

— Ундай эмас. Масалан, мен дастлаб эстрадага, ҳинд, араб кўшиқлари билан кириб келдим. Лекин кейинчалик репертуаримда асосий ўринини ўзбек кўшиқлари эгаллади... Менга ҳеч ким «Ўзбекча кўшиқ айтинг!» деб маслаҳат бермаган. Бундай «расмий топшириқ» ҳам бўлмаган. Ҳозирда эҳтиёж туғил-

ган. Ёки Рўзи Чориевни олинг, у Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербург) узоқ ўқиди. Кейин ўша ерда, Бадий академияда таҳсил кўрди, ижоди бошланди. Яхши давом этди ҳам. Кейин у керак бўёлари, ўзига яқин мавзу, сюжет, сиймоларни топа олмай қолди. Юртига — Ўзбекистонга келди-ю, нафис рангини ҳам, ўзига хос шакллари ҳам топди, - дедди.

Баҳсимиз ниҳоятга етмаган бўлса-да, Ботир ўз мулоҳазалари билан менга, мушоҳадаларимга яқинлашаётган кўринарди: ахир Рўзи Чориев юртига қайтганида ижоди жўш урибди-ку, Ботирнинг ўзи Карим ака ва Шоиста опадан ҳофизлини, ўзбек саҳна маданиятини ўрганибди-ку...

МАТОНАТ

Ботир Зокиров яйраб ижод этди, ўзбек эстрадасига асос солди. Ҳозирда манзаралар, портретларни, ёзган ҳикояларини, либреттолари, бетақор кўшиқларини томошабинга, тингловчи-

Буни ҳаёт дейдилар

га бориб етганини кўрди. Атрофида истеъдодли кишилар кўп эди. Шифокорлар ўртасида ҳам обрў қозонди. Иродаси, ақл-заковати, чидамлиги, қайдули дамда ҳам тетиқ кайфиятини, эртанги кунга ишончини сақлаб қола олиши билан оқ халатли кишиларни хайратга келтирди. Кўп ойлар давомида уларнинг ҳамроҳи бўлиб қолди, дўстига айланди. Тошкент ва Москва шифоналарида даволанганида, қайта-қайта операция столига ётишга мажбур бўлганида ҳам ҳазилини қўймади. Москвада яна бир марта операция хонасига тақлиф этилганида «Хўп, бир кун муҳлат беринглр...» деб ижозат олиб, шифохонани бир неча соатга тарқ этгани, дўстларининг олдига кетгани, «Бир ош дамлайлик. Эртага яна кесишади... нима бўлади, билмайман...» деб, дўхтирлар айтган, талаб қилган қонунқондани бузгани ва дўстлар даврасида — операция арасида — яйраб ўтиргани, шундай кайфияти билан у бизга таскин берганини эслаб, қойил қолам. Биз унинг — яна оғир опера-

цияга рози бўлган беморнинг эмас, у бизнинг кўнглимизни олиш ҳақида ўйлагани хануз хайратга солади.

Лекин у ўзини қанчалик хушчақчақ қилиб кўрсатишга уринмасин, ақлли кўзларидан ғамгинлик, алам уқунларини кўрадим. Хасталикка у кўп йиллар бардош берган. Носоғлом муҳитнинг хасталиги ҳам уни енга олмаган. Лекин тўғанок бўлган. Уни бартараф этиш учун эса асаб, куч, соғлиқ сарфланган. Сохта шорлар, ҳеч бир маънога эга бўлмаган қақирлар, барчани жонига теккан баландпарвоз гаплар, кучли таъийқ остида қолган истеъдод соҳиблари зўравон раҳбарларнинг «даъвати» билан «асар» яратишга мажбур бўлиши самимиликни юксак қадрлаган Ботирни узоқ, ғамгин ўйга толдирадди. Бирок шундай ҳолда ҳам у ўз одатига кўра ҳазил билан, ўткир сўз билан вазиятга аниқлик киритишга уринарди.

Ҳамидулла АҚБАРОВ.

(Давоми бор).

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс
ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилади 21.00

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатишчи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.